| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | "ANOR BANK" аксиядорлик жамияти |
| | Қисқартирилган: | "ANOR BANK" АЖ |
| | Биржа савдо белгиси номи:* | |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Манзил: | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 5-тор, 4-уй |
| | Почта манзили: | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 5-тор, 4-уй |
| | Электрон почта манзили:* | info@anorbank.uz |
| | Расмий веб-сайт:* | www.anorbank.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** | |
| | Муҳим фактнинг сони: | 06 |
| | Муҳим фактнинг номи: | Эмитентнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан хўжалик жамиятлари кузатув Кенгашининг Акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорлари |
| | Умумий йиғилиш тури: | Кузатув кенгаши йиғилиши |
| | Умумий йиғилиш санаси: | 10.10.2024 йил. |
| | Umumiy yig'ilish bayonnomasini tuzish sanasi: | 14.10.2024 йил. |
| | Умумий йиғилиш баённомасини тузиш санаси: | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 5-тор, 4-уй |
| | Умумий мажлис кворуми | 100% |

| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш натижалари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ха | | Қарши | | Бетараф | |
| | | % | Миқдори | % | Миқдори | % | Миқдори |
| 1. | “ANOR BANK” АЖнинг устав капиталини қўшимча эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий ва эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар чиқариш йули билан ошириш тўғрисида. | 100 | 5 | - | - | - | - |
| 2. | “ANOR BANK” АЖнинг эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий ва эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилиш Қарорини тасдиқлаш тўғрисида. | 100 | 5 | - | - | - | - |

Кузатув кенгаши йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таҳрири

| | |
|---|---|
| 1. | 1.1. «ANOR BANK» АЖнинг 100 000 000 (юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги ва 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз шаклдаги акциялар, ҳар биринг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм, умумий киймати 135 000 000 000 (бир юз ўттиз беш милллиард) сўм булган кўшимча чиқарилиш ёпик обуна хусусий жойлаштириш йўли билан банк устав капитали оширилсин.<br>«ANOR BANK» АЖ акцияларини қўшимча чиқаришнинг шартлари ва тартиби қуйидагича тасдиқлансин:<br>1.2. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури:<br>- оддий ҳужжатсиз шаклдаги 100 000 000 (юз миллион) дона<br>- имтиёзли ҳужжатсиз шаклдаги 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона.<br>Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 135 000 000 (бир юз ўттиз беш миллион) дона;<br>Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 135 000 000 000 (бир юз ўттиз беш миллиард) сўм;<br>Ушбу чиқарилишдаги бир дона акциясини жойлаштириш нарҳи 1 000 (бир минг) сўм миқдорида, яъни номинал қийматида белгилансин;<br>Ушбу акциялар чиқарилуви ёпик обуна хусусий жойлаштириш йўли билан банк акциядори Олимов Кахрамонжон Анварович (Olimov Kaxramonjon Anvarovich) номига жойлаштирилади; |

| | | |
|---|---|---|
| | | Ушбу чиқарилишдаги акцияларни уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – хуқуқий битим асосида тегишли шартномалар тузиш ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йули билан жойлаштирилади, шунда ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар 2024 йил 10 октябрь холатига шаклланган реестрида қайд этилган оддий ва имтиёзли ҳужжатсиз акцияларнинг эгалари-акциядорлар сотиб олиш ҳуқуқига эга.<br>Қўшимча чиқарилишдаги акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи акциядорларга тегишли бўлган банк акциялари сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.<br>Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати 10 календар кунида белгиланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда акциядорларни оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг ушбу чиқарилувдаги жойлаштирилаётган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи борлигини хабардор қилиш тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан бошлаб. Билдиришнома жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, хар бир акциядорни сотиб олиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг ушбу ҳуқуқини амалга ошириш муддати ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.<br>Имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган акциядор ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони ва тўлов ҳужжати, имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банкга ёзма шаклдаги ариза орқали амалга ошириш мумкин. Бундай ариза банкга имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати давомида юбориш керак.<br>Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.<br>Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.<br>Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилгандан сўнг қолган акцияларнинг сони акциядор Олимов Кахрамонжон Анварович (OLIMOV KAXRAMONJON ANVAROVICH) номига жойлаштирилади.<br>Ушбу чиқарилувдаги акцияларни жойлаштириш муддати - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг кўшимча чиқарилувини давлат рўйҳатидан ўтказган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.<br>Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кун. Агар бу муддат ўткунга қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охирги ариза келиб тушган кунидан бошланади. Агар жойлаштириш бошланиш санаси дам олиш кунига туғри келадиган бўлса, жойлаштириш бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.<br>Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – охирги акцияни жойлаштириш санаси, лекин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир йилдан кечиктирмай.<br>- ушбу чикарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни сотиб олиш пулсиз воситалар оркали кўзда тутилмаган.<br>- ушбу чиқарилувдаги акциялар 100%дан кам миқдорда жойлаштирганда, ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб ҳисобланади;<br>Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда банк ушбу холат тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, акциядорларга билдиришнома юбориш, шуниндек корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz) расмий хабарнома эълон килади.<br>Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида акция учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади. |
| | **2.** | 2.1. «ANOR BANK» АЖнинг 100 000 000 (юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги ва 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз шаклдаги акциялар, ҳар бирнг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм, умумий киймати 135 000 000 000 (бир юз ўттиз беш милллиард) сўм булган кўшимча чиқарилиш Қарори тасдиқлансин.<br>2.2. Банк бошқарувига Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг рўйхатдан ўтказиш учун барча зарур чоралар ижро этилсин. |

Ижро етувчи орган раҳбари: ______________________Акрамов Шерзод Салимович

Бош бухгалтер: ______________________ Бабаев Умид Мухаммадович

Маълумотни веб-сайтга жойлаштирган
ваколатли шахс: ______________________Аманова Наргиза Алишеровна